

19th JUNE

2024



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE

BELARUS

INTERNATIONAL SCIENTIFIC
RESEARCH CONFERENCE

info.interonconf@mail.ru

2024

www.interonconf.org



ISOC
INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES



BELARUS International scientific-online conference
“INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE”

Part 25

June 19th

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

MINSK-2024



INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE: a collection of scientific works of the International scientific online conference (20th June, 2024) – BELARUS, MINSK : "CESS", 2024. Part 25 – 73p.

Chief editor:

Candra Zonyfar - PhD Universitas Buana Perjuangan Karawang, Indonesia Sunmoon University, South Korea.

Editorial board:

Martha Merrill - PhD Kent State University, USA

David Pearce - ScD Washington, D.C., USA

Emma Sabzalieva - PhD Toronto, Canada

Languages of publication: русский, english, belorus казахша, о'zbek, limba română, кыргыз тили, Հայերեն....

The collection consists of scientific researches of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference.

"INTERNATIONAL SCIENTIFIC RESEARCH CONFERENCE". Which took place in MINSK on January 20th, 2024.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

© "CESS", 2024
© Authors, 2024



Table	
Utkirov Abdulazizbek <i>CHARITY WORK AS AN IMPORTANT FACTOR OF HUMANISM</i>	6
Karimov Abdurahmonjon Ma'rufjon o'g'li Ne'matullayev Abdulbositxon Baxromjon o'g'li <i>EKOLOGIK MUAMMOLAR VA ULARGA BAZI BIR YECHIMLAR</i>	8
Yabbarbergenova Shadigul Tilovmuratova Mubarak Jumabaeva Elvira <i>TA'LIMDA KLASTER YONDASHUVINI AMALGA OSHIRISH ZARURIYATI</i>	12
Халилова Дилноза Хабибуллаевна <i>"FIZIKA FANIDA NISBIYLIK NAZARIYASI HAMDA KVANT MEХАNIKASI VA MIKROZARRALAR"</i>	16
Халилова Дилноза Хабибуллаевна <i>"FIZIKA FANIDA YORUG'LIK HODISALARI"</i>	19
Gulruh Kenjaboy Mirzo qizi <i>ZAHIRIDDIN MUHAMMAD BOBUR IJODIDA "MUBAYYAN" ASARINING TUTGAN O'RNI</i>	23
Akhmatova Shakhnoza Bakhtiyorovna <i>THE NUMBER OF EIGENVALUES OF THE DISCRETE SCHRÖDINGER OPERATOR</i>	26
Q.Toqsanbayev <i>GLOBALLASHUV VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI</i>	31
Pattayev Boburjon Poyonovich <i>KORPORATIV MOLIYANI BOSHQARISH TIZIMINI TAKOMILLASHTIRISH</i>	33
Марданов Панжи Уразович <i>ЎЗБЕКИСТОНДА НАТИЖАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН БЮДЖЕТЛАШТИРИШНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ</i>	35
Allanov Safar Berdimurodovich <i>O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIYOTIGA INVESTITSION QO'YILMALAR SAMARADORLIGINI VAHOLASH</i>	37
Рахматов Идрок Илхомович <i>ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИГА ТАЪСИРИ</i>	41



УДК: 635.5:631.55

ТАКРОРИЙ ЭКИН СИФАТИДА ШИРИН МАККАЖЎХОРИ НАВ ВА ДУРАГАЙЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ ДАВОМИЙЛИГИГА ТАЪСИРИ

Рахматов Идрок Илхомович

Бухоро давлат университети тадқиқотчиси

Аннотация: Ушбу мақолада ширин маккажўхори нав ва дурагайлари такрорий экин сифатида ўстирилганда экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларининг ривожланиш даврларининг давомийлигига таъсири бўйича маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: Ширин маккажўхори, нав, дурагай, экиш схемаси, экиш муддати, сут пишиш, мум пишиш ва тўла пишиш, ўсув даври, рўваклаш.

КИРИШ

Ширин маккажўхори сўталари сут пишиш давридаги озиқ – овқатда асосан қайнатилган ҳолда ишлатилади. Дастлаб маккажўхори сўтасини янгиллигида қайнатилиб истеъмол қилинган бўлса, кейинчалик катта миқдорда консервалаб ишлатила бошланди[3]. Ширин маккажўхори доннинг биокимёвий таркиби сут пишишдан тўла пишишгача қадар кескин ўзгариб туради, олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқотларда келтирилишича ширин маккажўхори донининг етилиш даврида биокимёвий таркиби, қуруқ моддага нисбатан фоизларда таҳлил қилинганда сўтадаги дон қотган сайин шакар, умумий азот, протеин, клечатка миқдорининг камайиши, крахмал ва мой миқдорининг ортиб бориши кузатилган[1]. Сўталари сут пишиш даврида 74-76 % сув ҳамда сувда осон эрийдиган шакар (6-12 %) сақлайди. Бундан ташқари таркибидаги микроэлементлардан хром, рух, селен, мис, никель ва темир кабиларни сақлаши ҳам унинг қийматини оширади[4]. Ширин маккажўхори дони таркибидаги селен моддаси Е витамини ва бета – каротин билан биргаликда инсон организмидаги саратон ҳосил қилувчи генларнинг метаболитик фаоллигини пасайтиради. Шунингдек дон таркибидаги целюлоза ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб ичаклар фаолиятини яхшилайдди, холестериннинг сўрилишини ва қондаги глюкоза концентрациясини пасайтиради[2].

Тажриба натижалари. Такрорий экинда ширин маккажўхорининг Маза нави экиш муддатлари ва экиш схемалари бўйича ўрганилган тажрибанинг биринчи муддатида яъни 25 июн санасида экилганда уруғларнинг 7 кунда униб чиқди.

Биринчи баргларнинг ҳосил бўлишига 2 кун, иккинчи баргларнинг ҳосил бўлишига ҳам 2 кун вақт сарфланди. Шунингдек учинчи баргларнинг шаклланишига 1 кун, еттинчи баргларнинг шаклланишига эса ўртача 8-9 кун етарли бўлди.



Тажриба ўсимликларида еттинчи барггача бўлган барглarning шаклланишига экиш муддати ёки экиш схемасига таъсир қўрсатмади ва бир вақтда шаклланди. Ширин маккажўхори ўсимликларининг еттинчи баргнинг шаклланишига экиш муддати ва экиш схемаларининг таъсири кузатилди. Тажрибада уруғлар экилган учинчи муддат 15 июлда экилганда 60x30, 70x25 ва 70x30 см схемаларда экилганда еттинчи баргнинг шаклланиши бир кун кеч кузатилди. Тадқиқотларда ушбу навда рўваклаш жараёнигача бўлган вақт экиш муддатлари ҳамда экиш схемаларига қараб 29-31 кунни ташкил этди. Ширин маккажўхори ўсимликлари ривожланиш фазаларининг давомийлигини узайишига экиш муддатлари ва экиш схемалари таъсир этганлиги рўваклаш, сўталарнинг ҳосил бўлиши, сут пишиш, мум пишиш ва тўла пишиш жараёнларида яққол кузатилди. Яъни иккинчи ва учинчи экиш муддатларида экиб ўстирилган ширин маккажўхори Маза нави ўсимликларида руваклашгача бўлган вақт 29 кундан 30-31 кунга, сўталарнинг ҳосил бўлиши 8 кундан 9-10 кунга, оналик гулларининг ҳосил бўлиши 2 кундан 3-4 кунга, сут пишиш 15 кундан 16-17 кунга, мум пишиш 4 кундан 5-6 кунга, тўла пишиш эса 7 кундан 8-9 кунга узайганлиги тажрибаларимизда қайд этилди. Тажрибаларимизда ширин маккажўхорининг Замин нави 25 июнда экилганда ўсимликларнинг ривожланиш фазаларининг давомийлигига ёки ўсув даври экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 79 кундан 84 кунгача узайди. Ширин маккажўхори Замин навининг уруғлари иккинчи экиш муддатида яъни 5 июл санасида экилганда ўсув даврининг давомийлиги экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 80-85 кунни ташкил этди. Ушбу навнинг уруғлари учинчи экиш муддатида 15 июл санасида экилганда ҳам ривожланиш фазаларининг давомийлигини ўзайганлиги кузатилди, аммо ширин маккажўхори ўсимликлари ўсув даврини тугамасдан дастлабки совуқлардан қаттиқ зарарланди.

Олиб борган тажрибаларимизда ширин маккажўхорининг Замин нави ҳам такрорий экин сифатида 3 та муддат ва 6 та экиш схемаларида ўстирилганда уруғларнинг униб чиқиши барча муддат ва экиш схемаларида 6 кунни ташкил қилди. Тажрибада ўсимликларида биринчи баргнинг ҳосил бўлиши 2 кун, иккинчи баргнинг ҳосил бўлишига ҳам 2 кун, учинчи барг шаклланишига 1 кун кифоя қилди.

Ширин маккажўхорининг Замин навида униб чиқишдан 7-баргнинг шаклланиши 12 кун оралиғида юзага келди, еттинчи барг шаклланишидан рўваклашгача бўлган оралиқ 28-30 кун давом этди. Юқорида таъкидлаганимиздек ширин маккажўхорининг Замин нави ривожланиш фазалари давомийлигида еттинчи барг шаклланишигача экиш муддати ёки экиш схемасининг таъсири сезилмади. Рўваклаш фазасига келиб эса ривожланиш фазаларининг давомийлиги экиш муддати ва экиш схемасига боғлиқ ҳолда қисман фарқланди.



Такрорий экинда турли муддат ва турли схемаларида экилган ширин маккажўхорининг Замин навида фенологик кузатишларда еттинчи барг шаклланишидан рўваклашгача 28-30 кун, рўваклашдан сўталарнинг ҳосил бўлишигача 7-8 кун, оналик гулларининг ҳосил бўлишигача 3 кун вақт сарф бўлди. Ушбу навда сўталарнинг сут пишиш фазаси ҳам қайд этилиб, бу фазагача 15-17 кун давом этди. Сут пишиш фазасидан ва мум пишиш фазасигача кетган вақт эса экиш муддатлари ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда 4 кундан 6 кунгача давом этди. Ширин маккажўхорининг Замин нави ўсимликлари такрорий экинда етиштирилганда экиш муддати ва экиш схемасининг ўзгаришига қараб сўталарнинг ҳосил бўлиши, сўталарнинг сут пишиш ва мум пишиш каби ривожланиш фазаларининг давомийлиги 2-3 кунгача кеч шаклланганлиги ёки ушбу ривожланиш фазаларининг давомийлиги узайганлиги қайд этилди. Шунингдек Замин нави ўсимликларида барча экиш муддат ва схемаларида тўла пишиш 7 кунда кузатилди.

Бухоро вилояти шароитида такрорий экин сифатида турли муддат ва турли схемаларида экилган ширин маккажўхорининг Мегатон F1 ва Юнион F1 дурагайларида ҳам фенологик кузатишларда еттинчи барг шаклланишидан рўваклашгача бўлган тегишлича 27-29; 27-28 кун, рўваклашдан дастлабки сўталарнинг шаклланишигача 6-8; 7-8 кун, дастлабки сўталарнинг шаклланишидан оналик гулларининг пайдо бўлишига қадар 3 кун вақт кифоя қилди. Танланган дурагайларда экиш муддатлари ва экиш схемаларига боғлиқ ҳолда сўталарнинг кейинги сут пишиш фазасигача 15-16; 15-17 кун давом этиб, экиш муддатлари кечиккан сайин ҳамда озикланиш майдони кенгайиши билан ушбу ривожланиш фазасининг давомийлиги ҳам узайганлиги кузатилди. Сут пишиш фазасидан ва мум пишиш фазасигача 4-6 кун, мум пишишдан тўла пишишгача эса 7-8 кунгача давом этди. Тажрибада ўрганилган ширин маккажўхорининг Мегатон F1 ва Юнион F1 дурагайларида ҳам 25 июлда экилганга нисбатан 5 июл ёки 15 июл муддатларида эилганда ёки 6x30, 70x25, 70x30 см схемаларда экилганда ривожланиш фазаларининг давомийлиги узайиб борганлиги қайд этилди.

Хулоса. Тажрибаларимиз натижалари асосида хулоса қилиш мумкинки ширин маккажўхори нав ва дурагайлари ўсимликларида еттинчи баргларнинг шаклланишига бўлган даврда, экиш муддати ёки экиш схемасига таъсир кўрсатмади ва барча экиш схемаларида вегетатив органлари бир вақтда шаклланди. Лекин, ширин маккажўхори ўсимликларининг еттинчи баргнинг шаклланиши ва ундан кейин пайдо бўлган вегетатив ва генератив органлар шаклланишига экиш муддати ва экиш схемалари даражада таъсири кузатилди.



ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Остонакулов Т.Э., Исмойилов А.И., Холмуродов Ш.М. Ширин ва тишсимон маккажўхори селекцияси, бирламчи уруғчилиги ва агротехнологиясининг долзарб масалалари. – Самарқанд, “Фан булоғи” нашриёти, 2022. – Б. 36-38.

2. Санаев С.Т., Нарзиева С., Отаярова Г. Истиқболли сабзавот маккажўхори нав ва дурагайлариининг хар хил экиш муддатларида ҳосилдорлиги. // Ж. АГРО ИЛМ. – Тошкент, 2013. №1(25). – 40 б.

3. Сидоренко С.Е. Агротехнические приемы повышения урожайности початков молочной спелости сахарной кукурузы на черноземе обыкновенном западного Предкавказья. Автореф. док. дисс. – Краснодар, 2015. – 15 с.

4. Шмараев Г.Е. Химических состав кукуруза // Культурная флора. – Т 4. Кукуруза. – Москва, 1982. – С. 78-81.